

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, YANVAR,
№ 1-2 (559-560)

BUKHORO YOSHILARI

2026 йил режалари: ЁШЛАР ОРЗУЛАРИГА ҚАНОТ



Видеолавҳани QR
орқали кўринг.

Шавкат Раҳмонов:

“БИЗ ЁШЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИГА ВА ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМИЗ”



Юртимиз тақдирига дахлдор ҳар бир катта ўзгариш, аввало, ёшлар қалбидан бошланади. Чунки, эртанги куннинг эгалари бугун орзу қилаётган, изланаётган, ҳаракат қилаётган ёшлардир. Бухоро вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси ана шу орзуларга қанот, интилишларга йўл бўлиб келмоқда.

эканини агентлик ўз фаолияти билан исботлади.

Энг муҳими, ёшлар ташкилоти ёшларни фақат қўллаб-қувватлабгина қолмади, уларга ишонди. Ишонч эса ёш қалбларда масъулиятни, фидойиликни ва Ватанга садоқатни камол топтирди.

“Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармасининг ушбу мақсадли ишлари бардавом бўлишини ташкилотнинг 2026 йилдаги энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари, яъни режаларида ҳам намоён. Биргина интеллектуал ўйинларга жалб қилиш орқали улар иқтидорини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга 60 мингдан зиёд ёшларнинг қамрови кўзланган. Ўқув марказларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшларни чет тилига ўқитишни оммалаштиришда 1000 ёшнинг жалб этилиши кичик рақам эмас. Китебхонликни оммалаштиришга қаратил-

ган “Мутлола” лойиҳасига йигит-қизлар қамрови 156 мингдан нафардан ошishiнинг кутилаётгани қувонарли. Ёшларни рақамли лойиҳалар ва киберспорт мусобақаларига кенг жалб қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга “Ёшлар дафтари” тизими орқали ёрдам кўрсатиш, маҳалла-лардаги ёшлар етакчилари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-лар ташкил этиш орқали малакасини ошириш ва бошқа 20 дан зиёд лойиҳалар борки, бу рақамлар Бухоро ёшларининг салоҳиятига ишонч рамзидир”, - дейди бошқарма бошлиғи Шавкат Раҳмонов.

Бугун Бухоро ёшлари билимли, ташаббускор ва жасур. Улар ўз келажагини ўз қўли билан бунёд этишга тайёр. Ва шу йўлда, ёшлар билан елкадош бўлиб келаётган ёшлар ташкилоти - эртанги тараққиётимизнинг ишончли ҳамроҳидир.

Ўтган йил давомида амалга оширилган ҳар бир ташаббус шунчаки лойиҳа эмас, минглаб ёшлар тақдирига битилган умид мактубидир. Қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла юриб, ёшларнинг дарди тингланди, истеъдоди кашф этилди, орзуларига ишонч уйғотилди. Илм излаганга - имконият, касб ўрганаман, деганга - йўл, тадбиркор бўламан, деганга - таянч бўлди.

Спорт майдонларидаги ғалабалар, китебхонлик сари очилган эшиклар, стартаплар ортидан ёниб турган кўзлар - буларнинг барчасида ёшлар меҳнати, ғамхўрлиги ва ишончи мужассам. Бир ёшнинг ҳаётидаги ижобий ўзгариш бутун жамият учун қўйилган мустаҳкам қадам

ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ ЙЎЛИДА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР!

Бухоро давлат университетида талабалар учун қувонарли янгилик! БухДУ ҳамда Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу келишув талабалар ва ёш тадқиқотчилар учун янги илмий ва амалий имкониятлар эшигини очади.

Учрашув давомида замонавий технологиялар, инновацион лойиҳалар ва халқаро тажриба ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази раҳбарияти марказдаги илғор лабораториялар, япониялик мутахассислар билан биргаликда олиб борилаётган ишлар ҳақида қизиқарли тақдирот ўтказди.

Айниқса, Япониялик эксперт Юки Янагиданинг водород энергетикасига бағишланган маърузаси талабаларда катта

қизиқиш уйғотди. Унда келажак энергетикаси, яшил технологиялар ва бу соҳада ёшларнинг ўрни ҳақида сўз борди.

Ушбу ҳамкорлик орқали талабалар халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, замонавий лабораторияларда тажриба орттириш, илмий ғояларни амалиётга татбиқ этиш имкониятига эга бўлади.

Илмга қизиқсанг, янгиликка интиланг, бу ҳамкорлик, айнан, СЕН учун, ТАЛАБА!

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ҚУЛАЙЛИКЛАР ВА КЎРИНМАС ХАВФЛАР



Инсон ўзи яратиб, яна ўз қўли билан барбод қилиши мумкин. Гап ришталар ёки туйғулар ҳақида эмас, балки, инсониятнинг ақл кучи билан яратилган сунъий интеллект ва унга тобе-лик оқибатида ақл кучининг сустлашиши ҳақида...

Бугун ахборот майдонида тезлик ортди ҳамда технология билан рақобатлашаётган даврга кирди. Сунъий интеллект эса бу жараённинг марказида турибди. У маълумотни саралайди ва таҳрирлайди. Бу жараён қисқа вақтни олади. Бир пайтлар соатлаб бажарилган ишларни бугун дақиқаларда амалга ошириш мумкин. Бироқ, сунъий интеллектга таяниб қолиш ҳар доим ҳам ўринли эмас.

Биргина журналистика касби мисолида олсак, масъулият ва жавобгарликни ҳис қилмаслиги учун ҳам ҳеч қачон журналист ўрнини босмайди. Сўзга эътибор бериш ва уни ўрнида қўллаш, барибир, инсонники. Янги фикр ва ғоялар, турли лойиҳа ва ташаббусларда, монтаж ва овоз созлаш ишларида керагича фойдаланиш мумкиндир.

Шу боис, сунъий интеллект журналистга кўпроқ технологик жараёнлар учун керак.


Infocom.uz сайтининг маълумотларига кўра, сунъий интеллект кеча пайдо бўлган ҳодиса эмас. Унинг илмий асослари ўтган асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Британиялик олим Алан Тьюринг: “Машина ўйлай оладими?” - деган кучли саволни қўйди ва кейинчалик “Тьюринг тести”, деб аталган ғояни таклиф қилди.

- Агар инсон машина билан мулоқот қилиш жараёнида унинг жавоблари инсоннинг фикрларидан фарқ қилмаса, сунъий интеллект шундагина ақлли саналади. Айнан, шу ғоя замонавий сунъий интеллект тадқиқотларида, хусусан, нейротармоқлар ва шу каби технологиялар ривожига асос бўлади, - дейди АИ муаллифи.

(давоми 6-бетда)

“YOSHLAR FRONT OFISI”: СОҒЛОМ КЕЛАЖАК САРИ ҚАДАМ

Бухоро шаҳридаги “Ёшлар маркази” биносиди ёшлар ҳаёти учун долзарб масалалардан бири — гиёҳвандликка қарши курашишга қаратилган “Yoshlar front ofisi” лойиҳасининг вилоят саралаш босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ёшларнинг онгу тафаккурида соғлом ҳаёт тарзини мустаҳкамлаш, уларни зарарли иллатлардан асраш йўлидаги муҳим қадам бўлди.



Лойиҳа доирасида ёшлар орасида гиёҳвандликка нисбатан қатъий ва муросасиз муносабатни шакллантириш, ўқувчи ва талабаларни кучли таъсир қилувчи дорилар ҳамда психофаол моддаларнинг хавфидан огоҳ этиш, таълим муассасаларида уларнинг тарқалишининг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар жорий этилди. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва хавфсиз ижтимоий муҳитни қарор топтириш лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири бўлди.

Туман ва шаҳар босқичларида саралаб олинган ёшлар вилоят саралаш босқичида ўз билимлари, ташаббускорлиги ва фаол фуқаролик позицияси билан иштирок этдилар. Ҳар бир ҳудуддан 10 нафардан, жами 130 нафар ёш қатнашган ушбу босқичда комиссия аъзолари томонидан энг муносиб, деб топилган 10 нафар фаол ёш саралаб олинди.

Маъмур лойиҳада иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сони 1950 нафарни ташкил этиб, улар онлайн бот орқали рўйхатдан ўтган. Бу эса ёшларимиз орасида соғлом ҳаёт тарзига бўлган қизиқиш ва масъулият тобора ортиб бораётганини яққол кўрсатади.

Лойиҳа доирасида қуйидаги масъул ёшлар саралаб олинди:
Бош сардор - Назокат Худойназарова (Бухоро шаҳри);
Сардор ёрдамчилари - Шўҳратжон Набиев (Когон шаҳри), Солиҳа Мухиддинова (Бухоро шаҳри);

Ментор – Севинч Азамова (Вобкент тумани);

Реал тарғиботнинг олдини олиш бўйича масъуллар: Рухшона Тўрақулова (Бухоро тумани), Шоҳруҳ Раҳматов (Когон тумани), Кумуш Қосимова (Когон шаҳри), Муштарий Ўктамова (Бухоро тумани);

Виртуал тарғиботнинг олдини олиш бўйича масъуллар: Муқаддас Субҳонова (Бухоро тумани), Умида Фармонова (Қорақўл тумани).

Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

“Neo kitobxon”: МУТОЛААДАН МУВАФФАҚИЯТГА

Бухоро вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, мутлолаа орқали билим ва тафаккурни ривожлантиришга қаратилган “Neo kitobxon” танловининг туман босқичлари қизғин ва юқори савияда ўтказилмоқда.

Маъмур танловда фаол, билимга чанқоқ ёшлар иштирок этиб, бадиий ҳамда илмий адабиётлар бўйича ўз билимлари, мантикий фикрлаши ва таҳлилий салоҳиятини намоён этдилар. Беллашувлар жараёнида иштирокчиларнинг китобга бўлган қизиқиши, мустақил фикр юритиши ва ўқиган асарларидан чиқарган хулосалари ҳакамлар томонидан баҳоланди.

Танлов якунида энг юқори натижаларга эришган иштирокчилар вилоят босқичига йўлланма олди. Ғолиб ва фаол ёшлар эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

“Neo kitobxon” танлови ёшлар орасида мутлолаа маданиятини янада оммалаштириш, интеллектуал салоҳияти юксак, кенг тафаккурли авлодни тарбиялаш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Маҳалламизда 4 406 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1 798 нафари ёшлар, 14–30 ёшдагилар эса 886 нафарни ташкил этади. Йил бошида маҳалламиздаги барча ёшлар билан хатлов ўтказиб, 886 нафар ёшдан иборат “Ёшлар баланс”ни шакллантирдик.

ва агрессив хулқ-атворли ёшлар билан индивидуал ишланиб, касбга, таълимга ва ижтимоий ҳаётга қайтарилди.

Маҳалламизда 1561 нафар ёш “Беш ташаббус олимпиадаси” лойиҳаларига жалб қилинди. Спорт мусобақаларида маҳалла жамоаларимиз шаҳарда совринли ўринларни эгаллади. Бугун ҳудудимизда мактаб, спорт майдончаси, ўқув

марказлари ва ёшлар учун қулай масканлар фаолият юритмоқда.

700 нафардан ортиқ ёш “Mutolaa”, “Ibrat academy”, “Ustoz AI”, “UzChess”, “Qizlar akademiyasi” каби мега лойиҳаларда фаол иштирок этиб, сертификатларни қўлга киритмоқда. Шунингдек, фаолиятимиз доирасида ёшларнинг ишончини қозониш, ҳомий топиш, оилавий

муаммолари оғир ёшлар билан ишлаш, айрим масалаларнинг вақт талаб қилиши сингари қийинчиликларга дуч келдим. Натижада мен янада сабрли, тажрибали кадр бўлишни ўргандим.

Дилноза Қоирова,
Бухоро шаҳридаги “Шарқ юлдузи” маҳалла ёшлар етакчиси.

ЁШЛАР ИШОНЧИ - МЕНИНГ ЮТУҒИМ

Етакчи бўлишимга сабаб ёшларга фойдам тегишини истаганим, уларнинг муаммоларига бефарқ қарай олмаганим бўлди. Ҳар бир ёшнинг дарди, орзуси ва келажаги мен учун муҳим. Бу йўлда ўз ҳиссамни қўшиш учун ёшлар етакчиси бўлиб ишлашни мақсад қилдим. Бухоро шаҳар “Шарқ юлдузи” маҳалласи ёшлар етакчиси сифатида ҳар бир ёш билан индивидуал ишлаш, уларга имкониятлар эшигини очиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш кундалик вазифамга айланган.

Маҳалламизда 4 406 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1 798 нафари ёшлар, 14–30 ёшдагилар эса 886 нафарни ташкил этади. Йил бошида маҳалламиздаги барча ёшлар билан хатлов ўтказиб, 886 нафар ёшдан иборат “Ёшлар баланс”ни шакллантирдик. Ушбу жараёнда фақат рақамлар билан эмас, балки, йигит-қизларнинг бандлиги, таълими, соғлиги, оилавий ҳолати ва орзу-мақсадлари билан яқиндан танишдим. Натижада ёшларнинг 0,5 фоизи “қизил”, 11,2 фоизи “сарик”, 88,6 фоизи “яшил” тоифага киритилди. Бу кўрсаткичлар ортида аниқ режалар, индивидуал ёндашув ва турли ёрдамлар турибди. 2025 йил давомида 5 нафар ёш “Ёшлар дафтари”га киритилди. Улардан 2 нафарининг муаммоси ҳал этилиб, дафтардан чиқарилди. Контракт тўловлар учун 7 миллион 685 минг сўм маблағ ажратилишига эришилди. Энг муҳими, маҳалламизда аниқланган 16 нафар оғир тоифадаги ишсиз ёш билан манзилли ишладик, 5 нафари доимий ишга жойлашди, 7 нафари ўзини-ўзи банд қилди, қолганлар ўқиш, миграция ёки яшаш жойини ўзгартириш орқали бандликка йўналтирилди. Жумладан, битирувчилар масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. 63 нафар битирувчи ёш билан ишланиб: ОТМ, касбий таълим, хорижда ўқиш, иш билан таъминлаш, курсларга йўналтириш каби ишлар амалга оширилди.

Қолаверса, Миллий гвардия билан ҳамкорликда 5 нафар мураккаб тоифадаги ёш оталиққа олинди. Улар орасидаги пробациядаги дарс қолдирувчи, гиёҳвандликка мойил

МЕНИ МАҚТАНГ!

Газетамиз – ёшлар нашри. Шу боисдан ҳам унда истеъдодли, спортчи, инновацион ғоялар кашфиётчиси бўлган ёшлар, фаол ва ташаббускор етакчилар ҳақида тез-тез мақолалар бериб борилади. Бундан кўзланган мақсад – уларни мақташ эмас, балки, руҳлантириш, уларни тенгдошларига намуна, ўрнак қилиб кўрсатиш. Токи, бошқа ёшлар ҳам уларга қараб, ҳаракат қилсин, юксакликка интилсин.

Илгари мухбир зоти борки, ёзмоқчи бўлган қаҳрамонини қидирган, излаб топган. Ҳозир эса “қаҳрамонлар”нинг ўзи келади. Ишонаверинг. Биров-ярим буларнинг қулоғига шип-шип қўйганми, кимнинг қайси танловда иштирок этгиси, қандайдир мукофот олгиси келса, ўзи ҳақидаги таржимаи ҳолу диплом, фахрий ёрлиқларни бир даста қилиб, кўтариб келади. “Мени газетангизга ёзинг”,- дейди. Хижил бўлибгина “қаҳрамон”дан нимани дўндирганини сўрайсиз. Мўйлови қоп-қора бўлиб қолган “қаҳрамон” беш ёшида Наврўз байрамида лапар айтганидан бошлаб, еттинчи синфидан буён “шеър”лар машқ қилаётганигача – ҳаммасини гапириб беради. Искот тариқасида олдингизга “жўқи шиғир”лар ёзилган бир тўп қоғозни ташлайди...

Фамилиямни қўйиб беринг!..

Таҳририятимизга турли тоифадаги, турли феъл-атворли одамлар келади. Яхши ҳам, ёмон ҳам. Эсли ҳам, эссиз ҳам. Илмли ҳам, илмсиз ҳам... ҳоказо. Турли касб эгалари келишади. Аммо, барининг дарди бир: қораламасини газетада чиқартириш. Баъзиси отаси билан, баъзиси онаси билан, яна баъзиси...

ҳамкасблардан бирортасини “қалқон” қилиб келади.

- Ўзингиз бирор нарса ёзиб, фамилиямни қўйиб беринг, фалон стипендия (мукофот, грант)га ҳужжат топширмоқчиман,- дейди.

- **Дўстим, биз бу иш билан...**

- Айтган пулингизни бераман!

- **...биз бу иш билан шуғулланмаймиз!**

- Пулини бераман!- хиралигини қўймайди.

Шу гапининг ўзиёқ, унинг қаердан келган бўлса, шу ёққа қайтиб кетишини “таъминлайди”.

Ахён-ахёнда журналистика факультети талабалари ҳам таҳририятимиз “меҳмони” бўлишади.

Хабарингиз борми-йўқми, амалиёт даврида журналистика факультети талабалари камида бешта материал (жанрининг аҳамияти йўқ) чиқартириши керак. Бу ҳам яхши, ҳам ёмон тажриба. Ўқишга киришдан олдин бўлиб ўтган суҳбатда “Ёшлигимдан журналист бўлишни орзу қиламан. Бу касбга нисбатан амакимнинг катта холаси Фалончигул опа, у кишиям журналист, танисангиз керак, қалбимда ўзгача меҳр уйғотган”,- дея “сайраган” бийрон тиллар бир йил ўтиб, журналистикага “адашиб” кириб қолганини сўйлайди.

(давоми 6-бетда)

- Бу танловда диплом берадими?
- Ҳа. Сертификат ҳам бор!
- Унда, майли, қатнашаман, йўқса, вақт сарфлашни истамайман...

Бугун кўплаб ташаббуслар, айнан, шу каби суҳбатлар билан бошланади. Манфаат бўлмаса, суҳбат ҳам шу ернинг ўзидаёқ, ўз маъносини йўқотади. Чунки, фаолликнинг мақсади тажриба олиш ёки ўрганиш эмас, мукофотга айланиб қолди. Айримлар ўз устида ишлаш, савиясини ошириш ўрнига, рамкага солинадиган дипломи кўзлайди. Афсуски, бундай руҳият эгалари йил сайин ошмоқда.

Жасмина университетда фаол талабалардан бири эди. У ҳар бир семинар, ҳар бир тренингда қатнашар, аммо, доим бир саволни сўрарди: “Сертификат бериладими?”

Бир куни у китобхонлик акциясига таклиф қилинди. Ҳеч қандай диплом, ҳеч қандай совға йўқ эди.

бўлиб қолаверади.

- Бу ҳолат келажакда нима-ларга олиб келиши мумкин?

- Фаол кўринган, аммо, мустақил фикрлай олмайдиган авлод шаклланиши хавфи бор. Бу эса жамият тараққиёти учун жиддий тўсиқ.

ДИПЛОМПАРАСТЛИК КАСАДИ

У бормади. Орадан бир ой ўтиб, шу акцияда қатнашган тенгдоши унинг олдида жуда равон фикр билдириб, баҳсда устун келди. Жасмина ўша пайтда биринчи бор: “Мен сертификат йиғдим, у эса билим...”, - деган ўйга борди.

Сўнгги йилларда ёшлар ўртасида “мукофот учун яшайдиган фаоллик”, деган янги руҳият шаклланди. Агар сертификат ёки совға бўлмаса, иштирок ҳам йўқ. Илмий семинар, ижтимоий лойиҳа, тренинг, китобхонлик акцияси барчасида бир хил савол: “Нима беради?” Энг қизиги, биринчи ўринда PDF файл, печать ва имзо турибди. Ташқи фаоллик ортмоқда, ички ўсиш секинлашмоқда.

- **Сизнинг-ча, нега ёшлар фаолликини мукофот билан боғлаб қўймоқда?**

- Чунки, биз натижани қоғоз билан ўлчашга ўрганиб қолдик. Илгари: “Нимани ўргандинг?”- деган савол муҳим эди. Ҳозир эса: “Нима олдинг?” деган савол биринчи ўринда.

- Сертификат, умуман, керак эмасми?

- Йўқ, керак. Аммо, у мақсад эмас, восита. Агар сертификат билимни тасдиқламаса, у оддий қоғоз

Аслида, билим ва кўникма инсоннинг маънавий мулки ҳисобланади ва уни ҳар доим ҳужжат билан тасдиқлаш шарт эмас. Ҳақиқий ўсиш ҳеч қандай сертификатга муҳтож бўлмайди. Китоб ўқиб, дунёқараши ўзгарган одам учун қоғознинг аҳамияти йўқ. Юқори ташаббускор, доимий ҳаракатдаги фаоллик дипломсиз ҳам қийматли.

Бир ёш йигит ихтиёрий равишда маҳалласида болаларга математика ўргатарди. Унга ҳеч ким сертификат беради, номи ҳеч қайси рўйхатга кирмади. Аммо, йил охирида унинг шоғирдлари олимпиадада ғолиб бўлди. Йигитнинг энг катта мукофоти болаларнинг ишончи ва ота-оналарнинг миннатдор кўзлари эди.

ломдан кўра, тажриба ва амалий кўникмаларга эътибор қаратяпти. Сертификат бор, аммо, ишни бажара олмаса, унинг кадри йўқ. Бугунги меҳнат бозори эса қуруқ қоғоздан кўра, реал натижани талаб қиляпти.

Хулоса қилиб айтганда, маърифатли жамиятда инсоннинг қадри эгаллаб турган лавозими ёки тўплаган сертификатлари билан эмас, балки, ахлоқи, билими ва амалий фойдаси билан белгиланади.

Замонавий жамиятда мутахассис кадрини белгилашда диплом асосий мезон бўлиб қолиши керакми ёки ҳақиқий билим ва тажриба ўсмувор бўлиши шартми? Сиз нима дейсиз?

ЗулфиЗАР

Ҳар йили январь ойи келиши билан минглаб биринчи курс талабалари ҳаётида энг “қалтисли” давр бошланади. Ҳа, гап биринчи сессия ҳақида кетяпти. Бу оддий имтиҳон эмас, уни талабалик ҳаётининг расми “таъм татиб кўриш” маросими, десак ҳам бўлади.

Сентябрь ойида университетга қадам қўйган пайтимизда барчамиз бир хил кайфиятда эдик: елкамизда рюкзак, кўзимизда орзу, юрагимизда ишонч. “Мен зўрман, барчасини қила оламан, сессия нима бўлибди?” — деган романтик фикрлар ҳам йўқ эмасди. Айримлар эса дарсларга “ҳали улгура-миз”, деб вақти-вақти билан қочиб ҳам юрарди. Ахир талабалик, бу - эркинлик, тўғрими?

Аммо, тўрт ой қандай ўтиб кетганини сезмай қолдик. Сессия яқинлашганда эса кўпчилигимиз “ўзимизга келиб қолдик”. Шунда англадикки, олийгоҳда ҳеч ким сизни қўлдан ушлаб ўқитмайди. Бу ерда ҳар ким ўз келажиги учун ўзи жавоб беради. Дарсга кирмадинг-

ми, ўзингга минус. Ўқи-мадингми, яна ўзингга минус. Замонавий таълим тизими бизни тезда “катта қилиб кўяр” экан.

Сессия олдида эса аудиторияларда алоҳида “фольклор” бошланади:

- “Бу профессор жуда қаттиққўл экан...”

- “Анави ўқитувчи ҳеч кимни ўтказмасмиш...”

- “Бу фанни ўтиш, умуман, мумкин эмас...”

Айниқса, семестр давомида дарсдан кўпроқ қочганлар орасида бу гаплар тез-тез айланади. Лекин,

ДАРСДАН-КУ ҚОЧДИК СЕССИЯДАН ҚОЧИБ БЎЛМАЙДИ



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

ҳақиқат бошқача: ўқитувчиларнинг мақсади талабани “йиқитиш” эмас, балки, уни ҳаётга ва касбига тайёр-

лаш экан.

Бу ҳақда Бухоро давлат университети ўқитувчиси Феруза Бобохонова шундай дейди:

- Мен 10 йилдан буён талабаларга дарс бераман. Имтиҳонда ҳар бир талабага қараб, унинг келажигини ўйлайман. Агар биз энгиллик қилсак, у диплом олади, лекин, касбнинг мазмунини тушунмайди. Кейин иш бошлаганда эса қийналади. Шунинг учун ўқишни қатъий талаб қиламиз.

Сессия, деганда талабаларнинг яна бир “қуроли” бор - шпаргалка. Кичик қоғозчалар,

телефон ичидаги ёзувлар...

Қулай, албатта. Лекин, билимга фойдаси кам. Ахир, ўқиш - фақат даволат тўлдириш ёки имтиҳондан қандайдир ўтиб кетиш эмас, ўзингни ривожлантириш жараёни ҳам экан.

Юқори курс талабалари биз, биринчи курсларга қуйидагича маслаҳат беришади:

- Фанингизга ва касбингизга меҳр қўйинг. Кўрқманг, сессия одамни “пиштади”. Бир ой қолганда, ухламай ўқигандан кўра, бутун семестр давомида секин-аста ўқиш анча самарали. Шунда сессия ҳам кўрқинчли бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, сессия, бу - фақат имтиҳонлар мажмуаси эмас, у сабр, масъулият ва ўз устида ишлашни ҳам ўргатар экан. Дарсдан қочиб юрган бўлсак ҳам сессия вақтида ҳаётнинг ўзи бизга “дарс” берар экан. Энг муҳими, хулоса чиқариш ва кейинги семестрда шу хатоларни такрорламаслик.

**Ҳусан Ҳакимов,
БухДУ, 1-курс талабаси,
“ВУО” жамоатчи муҳбири.**

ВАТАН,

Бухоро гарнизонидаги 28803-сонли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган “Миллий армия - Она юрт қалқони, тинчлигимиз посбони” шиори остида ўтган маънавий-маърифий тадбирлардан биридамиз.

ДЕЯ УРАДИ ЮРАК...

- Ватан – бу, туғилиб ўсган хонадоним, мени вояга етказган ота-онам, ака-сингилларим, болалигимнинг энг сурурли дамлари ўтган қишлоғим, мактабим, таълим-тарбия берган устозларим, она юртим...



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, замонавий техник жиҳозлар, зарур қўлланмалар ҳамда кўргазмалар қурулган билан таъминланган. Алп қоматли, арслон келбатли йигитлар ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, подполковник Орифжон Жумаевни диққат билан тинглайди. Бироздан сўнг подполковник Орифжон Жумаев аскарларга савол билан мурожаат қилади:

- Йигитлар, Ватан, деган муқаддас тушунчага таъриф беринг! Аскарлардан бири қўл кўтаради.
- Ватан – бу, туғилиб ўсган хонадоним, мени вояга етказган ота-онам, ака-сингилларим, болалигимнинг энг сурурли дамлари ўтган қишлоғим, мактабим, таълим-тарбия берган устозларим, она юртим...

Ҳа, Ватанни — кўксиди Ватани борлар билади, Ватанни — Ватанни севганлар қадрлайди, ҳимоялайди...

Бугун Қуrolли Кучларимиз сафиди хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси, деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит-қиз учун бурч, юксак шон-шараф. Истиқлол фарзандлари – билимли, мустақил фикрлайди-

ган, дунёқараши кенг, нигоҳлари тийрак энг сара ўғлонлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётгани ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ишончли қўлларда эканидан далолатдир.

“Миллий армия - Она юрт қалқони, тинчлигимиз посбони” шиори остидаги тадбир ва учрашувда байрамона кайфият ҳукм сурди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев

Армия фақатгина ҳарбий блоклар ёки уруш майдонларида фаолият юритадиган тузилма эмас. У, энг аввало, Ватан сарҳадларини қўриқлайдиган, юрт тинчлиги ва осойишталигини асрайдиган муқаддас кўргондир. Тинч ҳаёт, мусаффо осмон ва хотиржам кунлар ана шу мард ўғлонларнинг фидокорона хизмати самарасидир.

1993 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан 14 январь - “Ватан ҳимоячилари куни” этиб белгиланди. Янги Ўзбекистон армияси бугун, нафақат, мамлакат ичида, балки, халқаро майдонда ҳам муносиб обрў-эътибор қозонмоқда. Жумладан, 2024 йилда халқаро ҳарбий ўйинларда иккинчи ўринни эгаллаб, 7 та олтин, 10 та кумуш ва 5 та бронза медалига сазовор бўлгани бунинг ёрқин далилидир.

Янги Ўзбекистон армиясининг изчил ислохотлари, янгиланиши ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида. Сўнгги йилларда ҳарбийлар фарзандларига олий таълим муассасаларига имтиёз асосида кириш имкониятлари яратилаётгани, ҳарбий хизматни

раҳнамолигида миллий армиямизни ислох этиш ва унинг муҳофаза қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачигидек асраш бўйича тайёргарликни янада мустаҳкамлаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда,- дейди ҳарбий қисм командири, подполковник Азаматали Тўражонов.

Ҳарбий қисмнинг саф майдонида жанговар чиқишларини намойиш қилган аскар ўғлонларни кузатар эканмиз, беихтиёр “кўз тегмасин”, деймиз. Юрагимизда фахр, ғурур ҳаприқади.

Мамлакатимизда замонавий



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

ВАТАННИ АСРАШ БУРЧИМИЗ



ўтаган ёшларга қўшимча баллар берилаётгани, шартнома асосида хизмат қилган талабаларга Ёшлар иттифоқи томонидан тўловнинг бир қисми қоплаб берилаётгани Янги Ўзбекистонга хос илғор амалиёт сифатида эътироф этилмоқда.

Бухоро давлат университети талабалари ҳам “Очиқ эшиклар куни” доирасида ҳарбий қисм ва бўлинмаларга мунтазам саёҳатлар

қуrol-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, сарҳадларимиз хавфсизлиги ҳамда халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армияни шакллантиришга эътибор ўз самарасини бераётганини англаш мушкул бўлмади.

Суҳбат жараёнида Орифжон Жумаев отаси ҳам ҳарбий бўлгани ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

- Фарзандларим ҳам ҳозирданоқ ота изидан боришга тайёргарлик кўрмоқда. Уларни кўриб, замонамиздаги масъулиятни янада ҳис қиламан,- дейди Орифжон Жумаев.

Йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар билан ҳам суҳбатда бўлар эканмиз, миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга чуқур билим ва

тарбия берадиган ҳаёт мактабига айланганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг ҳам жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, сиёсий, маънавий-маърифий билимларини чуқурлаштириш учун барча имкониятлар яратилган. Ўқув хоналари, машғулот майдонлари, спорт заллари, кутубхона, компьютер хоналари, ошхонаю ётоқхонада аскарларнинг муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўташи учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Муदдатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг бир-бирига ҳурмати, қадрдон дўстлардек муносабати кишини қувонтиради.

- Яқинда оддий аскар Ҳусанбой Маҳмудова уйдан хат келди. Аскар йигит хатни гурурланиб, барчамизга ўқиб берди: “Йигитлик бурчингни сидқидилдан адо эт. Юзимизни ёруғ қилиб қайт!” Бу хат унинг атрофидаги бошқа аскарларга ҳам янада куч-гайрат бағишлади. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳарбий хизмат чоғида гуруҳ командирлари ҳам жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича кўникмаларини ошириш билан бирга, Ватанни севиш, тинчликнинг қадрига етиш, элу-юрт қорига камарбаста бўлишдек олижаноб фазилатларни синдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу аскар йигитларни янада тоблайди,- дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти Кенгаши бўлим бошлиғи Эркин Шаропов.

Ҳа. Уйғоқ ва сергак аскар йигитларни кузатар эканмиз, ҳар бирининг кўксиди Ватан ҳимояси гупиллаб уриб турганини англаш қийин кечмади.

- Ниятим келажакда Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсил олиб, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга ҳисса қўиш,- дейди оддий аскар Самандар Иноятов.

- Мен эса ҳарбий қисмда хизмат қилишни мақсад қилдим!-дейди Илҳомжон Шоиммирзаев.

Муаддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳар бир йигитнинг ўзига яраша ниятлари, орзулари бор. Бири ҳарбий хизматни давом эттирмаман, деса, яна бири олий ўқув юртида таҳсил олиб, жамиятимиз равнақиға ҳисса қўишнинг мақсад қилган. Уларнинг бу эзгу тилаклари рўёбга чиқиши, шубҳасиз. Зеро, кимнингки, юрағи Ватан, деб урар экан, у ҳар қандай маррани забт этишга қодир!

Лайло Ҳайитова



Тилсим шаҳар Бухоройи шариф тарихий
синаотларга бой ўлка. Унинг ҳудудида ўтмиш ҳақида
сўзловчи минглаб археологик ёдгорликлар бор.



Мағоки Атторон ёдгорлиги ана шундай қадимги давлатчилик ҳамда шаҳар маданиятига оид ноёб ёдгорликлардан бўлиб, у Бухоро шаҳри марказида жойлашган. Илгариги атторлар растаси ўрнида қурилган. Шу туфайли Атторон масжиди, деб аталган. “Мағок” эса, чуқурликда жойлашган, деган маънони англатади.

Масжид шарқдан ғарбга чўзилган ўлчами 13,35x17,6 метр бўлган тўртбurchак шаклда. Тарихий манбааларга кўра, ичкариси 6 устунли, 12 гумбазли, ўрта гумбази баландроқ бўлиб, унинг пойгумбазидаги дарчалар орқали бино ичига ёруғлик тушади. Шарқий қисмини кенг пиллапоyli зина эгаллаган. Ғарбий девор ўртасида оддий меҳроб жойлашган. Бинонинг пойдевори ер сатҳидан 4,5 метрдан кўпроқ пастда жойлашган.

Меъморий обиданинг қурилишида хом ва пишган гишт, ёғоч,

лой, махсус “қир” қотишмаси, тош, ганж ва шунга ўхшаш ашёлардан кенг фойдаланилган. Меъморий обиданинг дизайни: Қадимий 4 устунли Моҳ масжиди (IX аср) ўрнида XII асрда эски лойиҳа асосида қайта қурилган. XIV асрда таъмирланган, XV асрда пештоқнинг юқори қисми бузилган. Шайбоний Абдулазизхон даврида (1541-1542-йиллар) бинонинг юқори қисми, гумбазлари қайта қурилган. Масжиднинг иккита кириш эшиги бор. Жанубий қисми 1934—1935-йилларда тадқиқот ва реставрация ишлари давомида очилган. Пештоқи ўйилган терракота билан безатилган ва кириш эшиги ички аркининг рамкали ёйида кўк рангли ёзувлар мавжуд. Ўша пайтда Бухоро Шарқдаги энг йирик меъморчилик ва қурилиш фаолияти марказларидан бири бўлган.

Вақт ўтиши билан масжид қўмилиб кетган. Масжиднинг шарқий пештоқидаги ёзувларга кўра, 1547 йилда Абдулазиз ибн Абдуллоҳ масжидни буздириб, унинг ўрнига янги масжид қурдирмоқчи бўлади. Аммо, нақшбандия тариқатининг ўша даврдаги пешвоси ва хоннинг муршиди Маҳдуми Аъзам бунга йўл қўймаган. Меъморий обиданинг 1939-1949 йилларда пештоқи мустаҳкамланиб таъмирланган, атрофи ободонлаштирилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз

мустақилликка эришгандан сўнг, юртимиздаги бошқа меъморий иншоотлар қаторида ушбу иншоот ҳам таъмирланган.

Шоҳруд канали яқинида жойлашган бу антиқа обида Эски шаҳар ҳудудидаги бошқа бинолардан ажралиб туради ва жуда қадимийроқдир. Археолог олимлар томонидан

аҳолиси бутпараст бўлганлар ва бу бозор расм бўлиб, ўша даврлардан бошлаб бу ерда бут сотганлар”.

- Абу-л Ҳасан Нишопурийнинг “Хазоин ул-улум” китобида айтилишича, қадимда Бухорода бир Моҳ исмли подшоҳ бўлган. У шу бозорни



Бухоронинг қадимий шаҳристон қисми аллақачон аниқланган. Лекин, шаҳарнинг энг қадимий маркази шаҳристон эмас, айнан шу масжид атрофидир.

Ўзбекистон Миллий педагогика университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Шавкат Бобожоновнинг айтишича, Шарқ меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, “Чор” услубида бунёд этилган Мағоки Атторий масжиди ўрнида араблар истилосигача Моҳ (Ой) бозори бўлган. Бут, доривор ва зирavorлар билан савдо қилинган, оташпарастлар ибодатхонаси ҳам шу ерда бўлган. Бухоронинг машҳур тарихчиси Муҳаммад Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” китобида қуйидагиларни баён қилади: “Бухорода бир бозор бор эдики, уни “Бозори Моҳ Рўз” дер эдилар. Бу ерда йилига икки марта бозор бўлар ва бутлар сотилар эди. Ҳар бозор кунни 50 000 дирҳамдан ортиқ савдо бўлар эди. Қадим вақтларда Бухоро

қурдирган ва барча дурадгор ва наққошларни шу ерга бут йўнишга жалб қилган. Моҳ подшоҳ халқ бут сотиб олишга қизиқсин учун, шу бозорга келиб Моҳ (Мағоки Атторон) масжиди ўрнашган ерда тахтда ўтирган ҳамда бозор ва савдони кузатиб турган. Бозорда жами 10 000 дўкон бўлган. Подшоҳ савдотикни янада ривожлантириш мақсадида бу ерда оташпарастлар кириб оловга топинар эдилар. Бу ибодатхона то исломият давригача бор эди, мусулмонлар қувватланиб кетгач, мазкур (Моҳ) масжидини худди шу жойга бино қилдилар. Ҳозир у Бухоронинг мўътабар масжидларидандир,- дейди Шавкат Бобожонов.

Масжиднинг жанубий пештоқидаги мураккаб нақшлар ҳайратланарли ва диққатга сазовордир. 30-йилларда таниқли археолог

В.Шишкиннинг обида остини 6 метр чуқурликда қазизи натижа-сида масжид остидан оташхона қолдиғи топилган. 70-йилларда яна бир гуруҳ бухоролик тадқиқотчилар меъморий ёдгорлик атрофини 7 метр қалинликдаги тупроқдан тозалаб, бино пойдевори остига қудуқлар қазилган эди. Бунинг натижасида обида ўрнида турли даврларда устма-уст 3 бино барпо этилганлиги аниқланган эди. Энг пастки қадимги қисмидан оташпарастлар бутхонасининг пахса девори очилган.

Ушбу масжидни Қутайба ибн Муслим оташхонани вайрон қилиб, ўрнига қурдирган ва Мағоки Атторон, яъни “чуқурликдаги бозор” деб атаган. Шаҳарда масжидлар жуда кўп бўлиб, Мағоки Атторон масжиди ҳам шулардан бири бўлган. Шу сабабдан ҳам Бухоро «Шаҳарлар имоми» дея эътироф этилган.

Шавкат Бобожонов бухороликлар орасида Мағоки Атторон масжиди хусусида ривоят мавжудлигини айтиб, у ҳақда сўзлаб беради: Хўжаи Хизр бир кун пешин намозини Бухородаги Мағоки Аттори масжидида ўқир экан. Бир кун намоз ўқийдиганлар орасида Хўжаи Хизр ҳақида гап бўлиб қолади. Шунда улар орасидаги бир чол:

- Мен ҳар кун беш вақт намозни шу масжидда ўқийман, лекин, бирор марта ҳам Хизрни кўрганим йўқ,- дебди. Бу гапни эшитиб турган бир йигит:

- Сиз қирқ кун бу масжидга ҳаммадан олдин келиб, ҳаммадан кейин чиқинг, шунда Хизрни кўриш шарафига муяссар бўласиз,- дебди. Чол ўттиз тўққизинчи кун масжидда бир йигит билан бирга қолибди. Йигит чолга масжид эшигидан чиқиш учун йўл берибди ва чолдан неча ёшга кирганлигини сўрабди. Чол:

- Саксон беш ёшга кирдим,- деб жавоб берибди. Чол ҳам йигитдан неча ёшга кирганлигини сўрабди. Йигит чолга:

- Неча ёшга кирганлигини билмайману, лекин, Бухоро етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганлигини, бу масжид дарёнинг мағоки, яъни энг чуқур жойида бунёд бўлганлигини кўрганман,-дебди.

Чол шунча кўп умр кўрган кишини кўриш ниятида орқасига ўтирилса, йигит ғойиб бўлган экан. Шундагина чол бу йигит Хизр эканлигини англаб етибди ва у билан бафуржа суҳбатлаша олмаганидан афсусланибди.

Албатта, бу ривоят ёки афсона бўлиши мумкин. Лекин, ҳар қандай ривоят замирида ҳам бир оз бўлсада, ҳақиқат ашайди. Чунки, Бухорони азалдан “Хизр назар қарда”, деб келишган.

Мағоки Атторон масжиди Тоқи Саррофон ва Тоқи Телпақфурушон билан бирга, яхлит бир комплексни ташкил этади. Масжид ёнидаги яқинда очилган эски ҳаммом қолдиқлари ҳам гўшага ажиблик ва ғаройиблик бахш этиб турибди. Ҳозирда бу жой Файзулла Хўжаев номли хиёбон, деб аталади.

Бутунги кунда ушбу обида ичиди гиламлар музейи ҳамда кўргазмаси фаолият олиб бориб, нафақат бухороликларнинг, балки барча юртдошларимизнинг ажойиб зиёратгоҳларидан бирига айланиб қолган.

**“БҲО”
суҳбатхонаси**





СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ҚУЛАЙЛИКЛАР ВА КЎРИНМАС ХАВФЛАР

(давоми, боши 1-бетда)

Дастлабки ўн йилликларда сунъий интеллект фақат лабораторияларда, илмий доираларда мавжуд бўлган. У математик масалалар ечиш, шахмат ўйнаш, оддий ва мантиқий қарорлар қабул қилиш даражасидан ошмаган. Кенг жамоатчилик уни, деярли, ҳис қилмаган. 2000 йиллардан бошлаб эса компьютер кувватининг ошиши, интернетнинг кенгайиши ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларнинг (big data) пайдо бўлиши сунъий интеллектнинг амалда ҳаётга кириб келишига замин яратди. Қидирув тизимлари, таржима дастурлар, овозли соғламалар, реклама алгоритмлари ва бошқа жиҳатларидан тез-тез фойдаланиш натижасида у



2010 йиллардан кейин оммавийлашган. Телефондаги автотўлдириш, юзни таниш, навигация, тавсия тизимлари ва бошқалар сунъий интеллект асосида ишлай бошлади.



2020 йиллардан эса матн ёзиш, расм чизиш, видео яратиш каби вазифаларни ҳам бажара оладиган тизимлар пайдо бўлди. Ўзбекистонда сунъий интеллект

хизматидан фойдаланиш даражаси анча кўпайди. Ҳатто, IT ёрдамида қўшиқ яратилди. Одамларнинг эски суратларидан видеолар ясалди, бундай пайтда фотешоп дастур-

лари ортда қолди. Бир сўз билан айтганда, сунъий интеллект техника тараққиётнинг энг катта муваффақиятига айланди. Тезлик, самарадорлик ва қулайликлари ошди.

Унинг афзал томонлари кўп бўлишига қарамай, инсониятни ўзига тобе қилиб қўйиши ҳар қандай имкониятлардан хавфли. Илгари саволларга жавоб излаш учун китоблар титкиланган, ёши катталардан сўралган бўлса, ҳозир бир нечта тугмани босишнинг ўзи кифоя. Энг муҳими, сунъий интеллект саволнинг жавобини ёки касаллик давосини ёшга мослаб тайёрлаб беради. Борган сари унга таяниб қолиш эса жиддий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Онгсизлик, билимсизлик ва хато қилишдан қўрқмаслик ҳисси пайдо бўла бошлайди. Фикрлашнинг сулғашуши шахсий ривожланишни ортга суради. Барчасини алгоритмлар бошқараётган жараёнда туйғулар, тушуниш, ўзаро ҳурмат ва салоҳият тушунчалари камаяди. Энг хавфли жиҳати шундаки, агар сунъий интеллект ривожланиш даражаси бировнинг овозини ўхшата олиш кучига етса, янги жиноятга йўл очилади. IT имкониятларининг ортиши айрим касбларнинг йўқолишига ҳам сабаб бўляпти. Бу ишсизлар сонининг ошишига ҳамда оилаларнинг ижтимоий ҳолатига таъсир ўтказмай қолмайди.

Болалар ва ўсмирларни телефон ва интернет тармоқларига монеликдан асраш учун телефонни олиб қўямиз, интернетни ўчира оламиз. Аммо, юқорида келтирилган хавфларни юзага келмаслиги учун IT тизимларини чеклолмаймиз. Бундай вазиятда ундан фақатгина онгли равишда фойдаланиш, техника бизни эмас, биз техникани бошқаришимиз кераклигини унутмаслик лозим. Америка кино ижодкорлари томонидан ишланган “Атлас” фильмида, айнан, яқин йиллар ичида сунъий интеллект ақл билан ишлатилмаса, қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги очиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, техника кучайиб борар экан, огоҳликни ҳам кучайтириш жамият учун муҳимдир.

Зулфизар Мавлонова,
“BYO” мухбири.

(давоми, боши 3-бетда)

Йўқса, муҳаррирга
кираман!

“Газета хусусий мул-
кинги, тахририят отан-
гизнинг уйи эмас. Ҳар бир
муаллифни, кимлигидан
қатъий назар, ҳурмат билан,



- Сизга муҳлат: келгуси сонга
материалимни чиқаринг, йўқса...
 (“дут-дут-дут”)

МЕНИ МАҚТАНГ

менга дабдурустдан шундай савол беради. “Мақолам қачон чиқади?” Ётиғи билан вазиятни тушунтирган бўламан. Муаллиф кетади.

Бир-икки кун ўтгач, телефон яна жиринглайди. Ўша муаллиф.
- Материалим нимага чиқмаяпти?

- Навбатда турибди (ёки талабга жавоб бермади), - гўшакнинг бу тарафида айбдорона овоз эшитилади.

- Мен ёзган нарсани бирор жойдан қайтмаган, ҳеч ким қайтармаган, - ўшқиради муаллиф.

- ...
- Сизга муҳлат: келгуси сонга
материалимни чиқаринг, йўқса...
 (“дут-дут-дут”)

Яқин кунларда

Яқин бир-икки кун ичида газетамиз тахририятига кўнғироқ қилган ёки келган “қаҳрамон муаллиф”ларни ҳаёдан ўтказдим.

Ҳафта бўп қолди: журналистикага у ёки бу муносабат билан дохил бир акахон ҳамкасбимга “заказ” ташлаб кетибди. Қайсидир вилоятда ўта ноёб иқтидор эгаси бор экан. “Мана

шу йигитга кўнғироқ қилиб, маълумотларни олгач, у ҳақида бир нарсани ёзинг!” - дебди “буюртмачи” ҳамкасбимга.

Ундан олдинроқ бир опахон қизини етаклаб келганди. Яхшигина истеъдоди бор экан. Рост, аслида, ўзимиз излаб бориб, шу қизни ёзмаганимизга хижолат бўлдик. Гапни чўзмайман: шу қиз ҳақида бирор нарсани ёзиш керак. Истеъдод соҳибасига оид маълумотларни олдик. Аҳли қалам билади: эшитган нарсани бирдан ёзиб ташлаб бўлмайди. Ҳаёлда пишитиш керак. Ёзилган тақдирда ҳам қайта ишланади, тахрир қилинади. Ҳалиги қиз ҳақидаги материал шу босқичларни ўтаётган пайтда опахон кўнғироқ қилди. Унинг бир оғиз сўзи эсимда қолди: “Ҳеч ким қизим ҳақида ёзишни рад қилмаган”.

Юртимизда иқтидорли ёшлар кўп. Улар ҳақида, албатта, ёзиш керак. Ахир, яхши эл боласини “ботирим”, деб суярган. Лекин, фикри ожизимча, қаҳрамон шунга лойиқ бўлиши зарур. Чунки, матбуот – кетмон бозори эмас.

Хайридин Мурод

илиқ кайфиятда кутиб олинг”. Бу сўзлар тахрир устаси устоз Маҳмуд Саъдийга тегишли. Доманинг таълимини олган ҳар бир

журналист шу ўғитни қулоғига “зирак қилиб таққан”. Мен ҳам гоҳида шу пандга амал қиламан. Буни ўзича тушунган муаллиф



Илм — ақлнинг зийнати.

Илмли киши йўлини йўқотмас.

Илм билан топилган мол — ҳалол мол.

Илм эгаси эъзозда бўлар.

Илмсиз ақл — қанотсиз қуш.

Илм олиш — ибодат.

Илм нур, жаҳолат — зулмат.

	Кўнгил	Хайвон отувчи	Тупроқ ва сув	Еб тўймас	Хат	Тиланчи						
	Авто-инспектор асбоби	Хафа, хомуш	Эсон...						Кўз (русча)	Татарча димлама		Поп-... (бодроқ)
					Бешпан-жа, жаз, қийма	Афғонистондаги шаҳар	Опасингил эрлари					
	Доривор усимлик тури	Италия пойтахти			... Сид (машина)				Қиёфа, форма	Жамият бўлаги		
			...-ҳаво, ...-новвот (қовун)			Юз кўриниш	Аниқ, равшан					
План (ўзбекча)		Қитъа номи	Нигериядаги дарё	Онг, шуур			Мол ёғи		...за, вази...			
		Мутал-хўжаев (қушиқчи)	Бироқ, лекин	Бас қил, бўлди	Бежирим, лунда					Монголия чорвадори		Чой (инг.)
Замин					... Эгам ("Чарх-палак")	«Тарихи мулки ...» (асар)	Почта белгиси					
Фото, сурат		Газлама, материал			Маъмурий маркази Торсхван (орол)					Мульт қахрамон (тўти)	Мард, кўркмас	
			...-эътибор	Кулгилий ҳикоя				Рўбарў, дучор				
	Санъат тури	Боғлам			Тўда, тўп-тўп (шевада)	Қизлар исми				Зўрнинг зўри		Араз, кек
	Малла, заъфарон		От ...ни той босар	Гавда қисми, бел	Сол, калтакла		Тозала-...!	Қишки оёқ кийими				
				АҚШ штати		Хўплам, қултум						
Туман, Жиззах вилояти	Изтироб, азоб				Ватан			Хамир-туруш	Зарядли зарра			
				Қарор, аҳд		Ҳаёт, тириклик		Балиқ уруғи				

ҚИШЛОҚДАГИ ЭНГ ЗҲР ОДАМ

Бир вақтлар қишлоқларда муаллимларнинг мартабаси раиснинг мартабасидан ҳам зўр эди.

Бир тўйда маҳалла раиси шундай деб қолди:

-Болалигимдан ота-онамнинг арзандаси, эркатой эдим. Ростини айтсам, ўқишга ҳам ҳушим йўқ, мактабга ҳам хоҳласам борар, хоҳламасам бормадим. Қуларнинг бирида уйимизга Ҳусан малим келиб, отамга дўқ урди:

- Эртадан бошлаб, ўғлингиз мактабга бормасдан, дарс қолдирадиган бўлса, сизни ишдан ҳайдатаман,-деди.

Мен отамни қишлоқдаги энг зўр одам, деб юрар эканман. Лекин, ўша куни отам Ҳусан малимнинг олдида мулзам бўлиб, бўйинни қисиб қолди. Муаллим кетгач:

- Энди нима қиламиз, ўғил-той?-деди менга.

- Мен онамга илтижо қилдим. Онам эса:



- Ҳусан муаллим айтганини қиладиган одам,-деди.

Отам индамай, бош ирғади.

Ўша кундан бошлаб, менинг болалик қуларимда кескин бурилиш бўлди. Азонда туриб, юз-қўлимни ювдим. Чой ичдим ва сумкамни олиб, мактабга жўнадим. Қулар ўтиши билан ўқишимда ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Йил охирига бориб, илғор

ўқувчилар қаторига ўтдим.

Менинг назаримда, қишлоқдаги энг зўр одам Ҳусан муаллим бўлиб қолди. Агар Ҳусан муаллим бўлмаганида, сизнинг қаршингизда турган камина – олий маълумотли агроном, маҳалла оқсоқоли бўлмасди!

Ўролбой Қобил,
Қашқадарё вилояти.

- Ёрдамга муҳтожман. Соғлигимни тиклаш учун етарлича маблағим йўқ. Ногиронлик нафақасини олишимга кўмаклашсангиз...

- Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясида яхшигина танишларим бор. Аммо, уларнинг бари мансабдор. Биласиз, мансабдорлар “катта оғиз” бўлишади...

ШИФОКОРГА СУД ҲУКМИ ЎҚИЛДИ



Бухоро вилояти Қорақўл туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида оила шифокори бўлиб ишлаб келган Ҳ.Ж. бемордан пул ундириш мақсадида жиноят содир этгани учун суд томонидан жавобгарликка тортилди.

34 ёшли шифокор оғир аҳволда бўлган бемор Т.Ҳ.нинг ишончидан фойдаланиб, унга “полиартрит” касаллиги бўйича ногиронлик нафақасини танишлари орқали расмийлаштириб беришни ваъда қилган. Бу хизмат учун аввалига 100, кейинчалик эса 250 АҚШ доллари талаб қилинган.

Бемор бир неча ой сарсон бўлиб юрганига қарамай, ваъда

қилинган ҳужжатлар тайёр бўлмаган. Шундан сўнг у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган. Ўтказилган тезкор тадбир давомида шифокор иш жойида 250 АҚШ доллари олаётган пайтда қўлга олинган.

Тергов жараёнида шифокорнинг тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясида ҳеч қандай танишлари йўқлиги аниқланган. Суд ҳукмига кўра, Ҳ.Ж. 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш ҳамда 2 йил давомида шифокорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Бобораҳим Очилов,
Жиноят ишлари бўйича
Қорақўл туман суди раиси.

Bolajon

**KO'CHA TOMOSHAXONA EMAS!
KETDIK, DO'STIM!
U - ODOB OYNASI**



Keling, kichkintoylarimizni sharqona odob talablariga ko'ra, ko'chalarda odam ko'p to'planadigan joylarda yurish tartib-qoidalarini bilan tanishtiraylik.



□ □ □ □



□ □ □ □



□ □ □ □



□ □ □ □



□ □ □ □



□ □ □ □


Toppingchi, bu yerda qaysi sonlar yozilgan?

- ✓ Ko'chada kamtarona, tezlashmay yoki sustlashmay, to'g'ri yuriladi;
- ✓ Ko'chada u yoq-bu yoqqa anqayib, alanglab, taom yeb, pista chaqib yurilmaydi;
- ✓ Yo'lda tuflab, burun qoqib, iflos joylarni bosib yurish odobimizga to'g'ri kelmaydi;
- ✓ Yurganda odamlarga xalal beruvchi tosh, shox-shabba, sim yoki po'choq kabi narsalar bir chetga olib tashlanadi;
- ✓ Ko'chada ketayotganda, ikki kishi o'rtasidan kesib o'tish odobsizlik sanaladi;
- ✓ Yo'l chetida o'tirgan yoki qarshingizdan chiqqan katta odamlarga salom berib o'tiladi;
- ✓ Ota-onangiz, ustozlar yoki ulug' kishilar bilan borayotganda, bir qadam orqada yuriladi;
- ✓ Yo'lda ketayotganda, ovoz boricha baqirib gapirish, sharaqlab kulish mumkin emas;
- ✓ Shoshilib, qadamni katta tashlab, odamlarni turtib-surtib yurish, oyog'ini bosib olish yaxshi emas.



BILASIZMI?

"Bilasizmi?" sahifamizda tarixiy sirilar, hayvonot olami haqidagi siz bilmagan faktlar, adabiyot va tafakkurning nozik jihatlari, fizika va hayot o'rtasidagi g'aroyib bog'liqliklar... Xullas, bu orqali qiziqarli va sodda shakldagi ma'lumotlar bilan tanishib borasiz. Qisqa, lo'nda va esda qoladigan faktlar orqali dunyo g'aroyibotlaridan bahramand bo'lasiz! Ha, aytmoqchi, Siz "Bilasizmi?"ni @by_gazetasi (BUXORO YoSHLARI (https://t.me/by_gazetasi) hamda QR kodlar orqali videolavha ko'rinishida ham tomosha qilishingiz mumkin!



Svetaforlar nega aynan 3 xil rangda?



Baliqlar ham cho'kadi



Mushukvoy bilan birgalikda beshta farqni izlang!



Bolajonlar, asalarini asal yoniga borishga yordamlashasizmi?

NIMA UCHUN OLMA QORAYISHINI BILASIZMI?



BURGUTKO'Z



MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Obidjon Hamidov
Shuhrat Jumayev
Jamol Nosirov
Dilshod Yo'ldoshev
Mirshod Ochilov

TAHRIIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



SAHIFALOVCHI - DIZAYNER:
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Photo Express" XICH ofset
usulida 1400 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrir: Zulfizar Mavlonova
Vizual muharrir: Dilnavoz To'xtayeva
Tasvirchi: Husan Hakimov

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 27.01.2026 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.